

ЛОЙИХА-СМЕТА ХУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ УЧУН

ШАРТНОМА № 40

14 05 2022 йил

Наманган шаҳри

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган “Норин тумани халқ таълими бўлими” номидан Низом асосида иш юритувчи директор Ж.Нурмухаммадов бир томондан ва кейинги ўринларда «Бажарувчи» деб юритиладиган Project City Group ” МЧЖ номидан Низом асосида иш юритувчи фирма директори М.Тожибаев иккинчи томондан, мазкур Наманган вилояти Норин туман халқ таълими бўлимига қарашли 40-мактабни жорий таъмирлаш объекти учун лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш шартномасини тузиб имзоладилар.

I. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. **Бажарувчи** мазкур шартнома шартларига кўра лойиха-смета хужжатларини тайёрлаб бериш (ЛСХ си ва бирламчи лойиха олди хужжатлари билан бирга) лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш мажбуриятини олади. **Буюртмачи** эса **Бажарувчига** лойиха-смета хужжатларини бажариш учун зарур бўлган шароитларни яратиш, уларни қабул қилиш ва инвестор томонидан ажратилган маблағлар ҳисобидан тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

II. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

2.1. Мазкур шартнома бўйича, ишчи лойиха-смета хужжатларини тайёрлаб бериш учун Бажарувчи томонидан бажариладиган ишлар қиймати жорий нархларда **4% айланма солиқ билан 25 500 000 (Йигирма беш миллион беш юз минг) ташкил этади**

2.2 Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқиш мумкин эмас, куйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- ✓ ишлар қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;
- ✓ ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда.

2.3. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар **Буюртмачи, Бажарувчи** ўртасидаги шартномага қўшимча келишув битими билан расмийлаштирилади.

III. БАЖАРУВЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1 Мазкур шартнома бўйича **Бажарувчи** мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

✓ барча ишларини мазкур **шартномада ҳамда унинг 1 иловасига** мувофиқ лойиха ишларни бажариш учун смета назарда тутилган ва муддатларда ўз кучи билан бажариш ҳамда ишни **Буюртмачига** мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

✓ ишларни бажариш давомида **Буюртмачи** томонидан талаб қилиб бориладиган маълумотлар ва шошилинч (оператив) сўровларни ўз вақтида ҳамда белгиланган муддатларда тақдим этиш;

✓ бажарувчи томонидан объект бўйича тайёрланган (ишлаб чиқарилган) лойиха смета хужжатларидаги қабул қилинган лойиха ечимлари ва ҳисоб китоб ишлари бўйича кейинчалик аниқланган камчиликлар қолдириб кетилган иш ҳажмларидаги йўл қўйилган хатоликлар натижасида етказилган зарарларни бажарувчи томонидан тўла қоплайди;

✓ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда ва белгиланган муддатларда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

3.2. **Бажарувчи** мазкур шартнома бўйича барча ишларни ўз кучи билан зарур тарзда бажарилиши ҳамда тайёр муҳандислик ҳисобларини ўз вақтида топшириш учун **Буюртмачи** олдида тўлиқ ҳамда мулкий жавоб беради.

IV. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Мазкур шартномани бажариш учун **Буюртмачи**:

✓ ишлар бажарилиши шартномада қайд этилган **Бажарувчи** томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, **Бажарувчидан** тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

✓ **Бажарувчининг** барча мурожаатларини **10 (ўн) кун** муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

✓ **Бажарувчига** инвестор томонидан ажратилган маблағлари ҳисобидан аванс бериш ва жори молиялаштиришни амалга ошириш;

✓ Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

V. ТҮЛОВЛАР ВА ХИСОБ-КИТОБЛАР

5.1. Буюртмачи Бажарувчига шартнома бўйича ишларни умумий, шартномавий-жорий қийматининг 30 % фоизини олдиндан тулаб беради колган 70% ни бажарилган ишлар далолатномаси имзолангандан сўнг тулов амалга оширилади.

VI. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

6.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари (форс-мажор) натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатларни юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

6.2. Агар енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда **Бажарувчи** ва **Буюртмачи** ишларни давом этдириш ёки уларни вақтинча тўхтатиб туриш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

6.3. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

VII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

7.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармасдан ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

✓ иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

✓ Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, инвестор томонидан ажратилган маблағни ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Бажарувчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг **0,2 фоизи** миқдоридан пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий миқдори кечиктирилган тулов суммасининг **30 фоизидан** ошмаслиги лозим.

✓ Бажарувчи лойиха-смета ҳужжатларини ўз вақтида бажармаганлиги бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг **0,5 фоизи** миқдоридан пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар қийматининг **50 фоизидан** ошмаслиги лозим.

✓ Буюртмачи томонидан топилган нуксонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Бажарувчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг **0,5 фоизи** миқдоридан пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг **50 фоизидан** ошмаслиги керак.

✓ Пеня тўлаш Бажарувчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

VIII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

8.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар конун ҳужжатларида белгиланган тартибда Наманган туманлараро иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

IX. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

9.1 Мазкур шартнома имзолангандан кейин, шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

9.2 Бажарувчи лойиха-смета ҳужжатларига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

9.3 Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолаган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

9.5 Буюртмачи билан Бажарувчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

9.6 Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги конун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

9.8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 14 сентябрдаги ПФ-6313-сонли Фармони талабларидан келиб чиқиб,
- тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугагандан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатларни содир қилмасликни;
- тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлашни;
- ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ёки унинг ижрояи органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабатлар юзасидан қонунга ҳилоф равишда норасмий пул ёки моддий қийматликлар олинишда йўл қўйилмаслик ва таклиф этмасликни кафолатлайди.

9.9 Мазкур шартнома 3 нусхада тузилади ва ғазначилик бўлими рўйхатидан ўтгандан сўнг кучга киради.

IX. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

БУЮРТМАЧИ:

"Норин тумани халқ таълими бўлими"

Манзил: Норин тумани Хақулобод шаҳар
ШХР: 401722860142167092100075002
ИНН 200084570 ОКОНХ: 71120
Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги
Ғазначилиги

х/р: 23 402 000 300 100 001 010

МФО: 00014, ИНН: 201 122 919

Банк: ХККМ МБ Тошкент шаҳри ХККМ

Раҳбар Ж.Нурмухаммадов



БАЖАРУВЧИ:

Project City Group " МЧЖ

Манзили: Наманган шаҳар Оромгоҳ
кучаси, 11-уй

Х/р: 2020 8000 5054 0098 8001

Банк: АТБ «Капиталбанк» Наманган филиали

МФО: 01085 ИНН: 308505471

ОКЭД: 41100

Тел: (+99897) 217-05-55

Раҳбар М.Тожибаев



Ҳуқуқий экспертиза-хулосаси

Ушбу пудрат шартнома лойиҳасини амалдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида ҳуқуқий экспертиза қилиб, шартнома лойиҳаси қонунчилик ҳужжатларига мос келишлигини аниқладим.

Шу сабабли, ушбу шартномани имзоласа бўлади деб ҳисоблайман.

Компания ҳуқуқий маслаҳатчиси _____

« _____ »

2022 йил

Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 80271 на приобретение Услуги по проведению экспертизы проектно-сметной документации 40 мактаб

Способ проведения электронный

Дата 12.05.2022

Время рассмотрения 12.05.2022 14:28

Конкурсная комиссия Норин туман халқ таълими бўлими марказлашган хисобхона, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|------------------------------|--|---|----------------------------------|
| Председатель комиссии | NURMUXAMADOV JAVLONBEK NORMAXAMAT O'G'LI | Норин тумани халқ таълими бўлими мудир | Норин тумани халқ таълими бўлими |
| Секретарь комиссии | OMANOVA OZODAXON UMARALIYEVNA | Жисмоний ва юридик шахсларнинг муружаатлари билан ишлаш бўйича мутахассис | Норин тумани халқ таълими бўлими |
| Член комиссии | USAROV SHOROBIDIN ABDUROZAQOVICH | Коммунал хизмат буйича инспектор | Норин тумани халқ таълими бўлими |
| Член комиссии | XOLIKOV SIROJIDDIN ABDUSALOMOVICH | таълим муас-лари қозон ва иситиш тизимларини назарат қилиш бўйича | Норин тумани халқ таълими бўлими |
| Член комиссии | DEXQONOV MUSLIMBEK BARXAYOT O'G'LI | Бош мутахассис | Норин тумани Халқ таълими бўлими |
| Член комиссии | RAXIMOV AZIMJON ANVAROVICH | Қурилиш бўлими бошлиғи | Норин тумани халқ таълими бўлими |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 12.05.2022 года № лота 80271.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 95.00 / Весовой коэф. ценовой части: 5.00)

Мин. балл: 65

Предмет закупки:

| Наименование товара (работы, услуги) | Услуги по проведению экспертизы проектно-сметной документации |
|--------------------------------------|---|
| Подробное описание | Услуги по проведению экспертизы проектно-сметной документации 40 мактаб |
| Количество товара | 1.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 29 997 000.00 |
| Стартовая сумма | 29 997 000.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие

баллы:

Критерий №1 1. Танлов таклифини таъминлаш тўғрисида декларация. 2, Лойиҳалаш (Курилиш) майдонини кўрганлик ва лойиҳани ўрганганлик тўғрисида маълумотнома

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлашда иштирок этиш буюртмасига декларация бўлмаганда таклиф кўриб чиқилмайди ва ҳужжатларнинг 2-йиғма жилди очилмасдан оферентга қайтарилади. 2, Курилиш майдонини кўрганлиги ва ўрганиб чиқилганлиги Мухандислик коммуникацияларини ўрганиб чиққанлиги

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|--|-----------|--|----------------|------------|------------|---------|
| YUKSALISH QURILISH LOYIHA ISHLARI MCHJ | 10 | 10 | 5 | Экспертная | | |
| OOO PROJECT CITY GROUP | 10 | Танлов таклифини таъминлаш тўғрисида декларация. 2, Лойиҳалаш (Курилиш) майдонини кўрганлик ва лойиҳани ўрганганлик тўғрисида маълумотнома | 10 | Экспертная | | |

Критерий №2 Танлаш иштирокчисининг охири уч йилда (2019-2020-2021) лойиҳалаш ишлари бўйича бажарган иш тажрибаси. Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш жараёнида ёрдамчи лойиҳа ташкилотни жалб қилиш тўғрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлашда қўйилган объектга ўхшаш бўлган объектларни ЛСХсини бажариш: йилига N (N- кейинги икки йилда йилига 1та ва ундан кўп), Бир йилда 10 тадан кам бўлмаган объектларнинг ЛСХни тайёрлаганлик Йўл қурилиши соҳаси объектлари ЛСХсини бажарилиши. Танлаш таклифларини баҳолашда ёрдамчи лойиҳачи ташкилотлардан жалб этилган машина ва механизмлар ҳисобга олинмайди

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|--|-----------|---|----------------|------------|------------|---------|
| YUKSALISH QURILISH LOYIHA ISHLARI MCHJ | 25 | 25 | 20 | Экспертная | | |
| OOO PROJECT CITY GROUP | 25 | Танлаш иштирокчисининг охири уч йилда (2019-2020-2021) лойиҳалаш ишлари бўйича бажарган иш тажрибаси. Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш жараёнида ёрдамчи лойиҳа ташкилотни жалб қилиш тўғрисида маълумот | 19 | Экспертная | | |

Критерий №3 Лойихачи ташкилотнинг ташкилий структураси ва умумий маълумотлар

Тип: Текстовое значение

Описание: Ташкилот тўғрисида умумий маълумот Ташкилий структура. Иш стажи 5 йилдан кам бўлмаган олий маълумотли лойиҳалаш мутахассислигига эга бўлган раҳбарлардан 1 киши, Дипломли 5 йил иш стажига эга 2 кишидан иборат инженер-техник ходимлар, (ГИП, ГАП) Доимий равишда ишловчи 10 та малакавий лойиҳачи мутахассислар Доимий равишда ишловчи 10 йиллик иш стажига эга 4 та малакавий лойиҳачи мутахассислар мавжудлиги(барча ходимлар бўйича тасдиқловчи ҳужжатлар: паспорт, диплом ва меҳнат дафтарчаси копиялари илова қилинади)

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|--|-----------|--|----------------|------------|------------|---------|
| YUKSALISH QURILISH LOYIHA ISHLARI MCHJ | 25 | 25 | 15 | Экспертная | | |
| OOO PROJECT CITY GROUP | 25 | Лойиҳачи ташкилотнинг ташкилий структураси ва умумий маълумотлар | 15 | Экспертная | | |

Критерий №4 Танлаш иштирокчисининг молиявий кўрсаткичлари, салоҳияти (2019-2020-2021 йиллар бўйича) тўловга қодирлиги ва айланма маблағлар билан таъминланганлиги тўғрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Ишлаб чиқариш фондининг қиймати 100 млн. сўмгача ва ундан кўп Муддати ўтган кредиторлик қарздорлиги мавжуд эмаслиги (Солиқдан қарздорлиги мавжуд эмаслиги ва муддати ўтган қарздорлик мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотлар илова қилинади) ўтган йилда 20 млн.сўм фойдаси (солиқ тўлангунга қадар) мавжудлиги Тўловга қодирлик коэффициенти ижобийлиги

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|--|-----------|---|----------------|------------|------------|---------|
| YUKSALISH QURILISH LOYIHA ISHLARI MCHJ | 25 | 25 | 19 | Экспертная | | |
| OOO PROJECT CITY GROUP | 25 | Танлаш иштирокчисининг молиявий кўрсаткичлари, салоҳияти (2019-2020-2021 йиллар бўйича) тўловга қодирлиги ва айланма маблағлар билан таъминланганлиги тўғрисида маълумот | 18 | Экспертная | | |

Критерий №5 Мавжуд оргтехника (компьютер, принтер, лойиҳалаш дастурлари) ва бошқалар рўйхати

Тип: Текстовое значение

Описание: Лойиҳани бажариш учун зарур бўлган 5 та дан кам бўлмаган охириги 10 йилликда ишлаб чиқарилган компьютерлар мавжудлиги (ижара шартнома асосидаги лойиҳа техникаларининг баллари 50% камайтирилади)

Лойиҳани бажариш учун зарур бўлган оргтехника воситаларини (принтерлар , плоттерлар, ксерокопия ва сканерлар) мавжудлиги** Лойиҳалаш программалари: - "Auto Cad"-2007-2020 - "Corel Draw X3-2005" - "3D MAX" - "Lira 9.4" - Смета программалари Мавжуд хизмат машиналари

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|--|-----------|---|----------------|------------|------------|---------|
| YUKSALISH QURILISH LOYIHA ISHLARI MCHJ | 20 | 20 | 15 | Экспертная | | |
| ООО PROJECT CITY GROUP | 20 | Мавжуд оргтехника (компьютер, принтер, лойиҳалаш дастурлари) ва бошқалар рўйхати | 15 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|--|-----------------|--------------------|------------------------|-------------------------|
| ООО PROJECT CITY GROUP | 29 997 000.00 | 25 500 000.00 | 11.05.2022 12:51:16 | 5.00 |
| YUKSALISH QURILISH LOYIHA ISHLARI MCHJ | 29 997 000.00 | 26 000 000.00 | 30.04.2022 18:22:50 | 4.90 |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|--|---------------------------------|--------------------------------|---------------|
| ООО PROJECT CITY GROUP | 69.35 | 5 | 74.35 |
| YUKSALISH QURILISH LOYIHA ISHLARI MCHJ | 66.5 | 4.9 | 71.4 |

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 80271 от 12.05.2022 года на приобретение Услуги по проведению экспертизы проектно-сметной документации 40 мактаб определила победителем:

ООО PROJECT CITY GROUP
308505471


и резервный исполнитель: YUKSALISH QURILISH LOYIHA ISHLARI MCHJ (306583798)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|-----------------------|---|-------------|-------------|
| Председатель комиссии | NURMUXAMADOV JAVLONBEK NORMAXAMAT O'G'LI | Согласен | |
| Член комиссии | USAROV SHOROBIDIN ABDUROZAQOVICH | Согласен | |
| Член комиссии | XOLIKOV SIROJIDDIN ABDUSALOMOVICH | Согласен | |
| Член комиссии | DEXQONOV MUSLIMBEK BARXAYOT O'G'LI | Согласен | |

| | | | |
|---------------|----------------------------|----------|--|
| Член комиссии | RAXIMOV AZIMJON ANVAROVICH | Согласен | |
|---------------|----------------------------|----------|--|

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП



Ўзбекистон
Республикаси
Қурилиш вазирлиги

№ 3600-4461-597a-0fab-5fa1-8349-6432
Хужжат яратилинган сана: 2021-10-03
Ариза рақами: 36920304

Хужжат берилган: "PROJECT CITY GROUP" МСНҲ
Қабул қилувчининг идентификация рақами: 308505471

Архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш фаолиятини амалга ошириш учун ЛИЦЕНЗИЯ

"PROJECT CITY GROUP" МСНҲ га объектларнинг мураккаблик тоифалари классификатори бўйича II тоифадаги объектлар учун қуйидаги:

Тўлиқ комплексда лойиҳалаш бўйича фаолият турлари. А гуруҳи Уй-жой-хўжалик қурилиши учун объектлар ва комплекслар лойиҳа-смета ҳужжатларини яратиш, шу жумладан уларнинг муҳандислик тармоқлари ва тизимларини лойиҳалаштириш фаолият тур(-лар)и билан шуғулланишга лицензия берилди.

Лицензия берилган сана: 30-09-2021 йил

Лицензия рақами: АЛ-001916

Солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР): 308505471

Юридик шахснинг почта манзили: NAMANGAN SHAHAR MINGCHINOR MFY, OROMGOX KO`CHASI, 11-UY

Лицензия амал қилиш муддати чекланмаган.

ALIMUXAMEDOV ALIJON RASHOD O'G'LI

Мазкур ҳужжат Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали тўғрисидаги низомга мувофиқ шакллантирилган электрон ҳужжатнинг нусхаси ҳисобланади. Электрон ҳужжатнинг нусхасида кўрсатилган маълумотлар тўғрилигини текшириш учун gero.gov.uz веб-сайтига ўтинг ва электрон ҳужжатнинг ноёб рақамини киритинг ёки мобил телефон ёрдамида QR-кодни сканер қилинг. Диққат! Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарорига мувофиқ электрон ҳужжатлардаги маълумотлар қонуний ҳисобланади. Давлат органларига Ягона порталда шакллантирилган электрон ҳужжатларнинг нусхаларини қабул қилишни рад этишлари қатъиян тақиқланган.

5241



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"PROJECT CITY GROUP" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashixli-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"PROJECT CITY GROUP" MChJ

(Yuridik shaxsning qandirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

19.05.2021

992408

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil)

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

308505471

Tashixli-huquqiy shakli:

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi:

Namangan viloyati, Namangan shahri, Mingchinor MFY, Oromgox ko'chasi,
11-uy.

Guvohnoma:

Namangan viloyati, Namangan shahri, DAVLAT
XIZMATLARI MARKAZI

tomondan
berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organing to'liq nomi)



МУХОКАМА АХБОРОТИ

“14” май 2022 йил

Норин туман

Наманган вилояти Норин тумандаги 40-сонли умумий ўрта таълим мактабини лойиха-смета ва экспертиза хужжатларини тайёрлаш ишлари учун Халқ таълими бўлимига томонидан 2022 йил “29” апрелдаги 22Г10012080271 сонли лотга асосан Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни 56 ва 58 – моддалари талабларидан келиб чиқиб энг яхши таклифларни танлаш тури бўйича умумий ўрта таълим мактабларни лойиха-смета ва экспертиза хужжатларини тайёрлаш ишлари. Шунга асосан белгиланган муддатлар асосида Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни – 60 ва 61 моддалари талабларидан келиб чиқиб танлов савдолари ўтказилди. Мазкур танлов савдолари якуни бўйича PROJECT CITY GROUP МЧЖ томонидан берилган таклифлар комиссия аъзолари иштирокида боҳоланиб қолиб деб топилди. Ушбу танлов жараёнлари бўйича расмийлаштирилган баённомалар “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни 62 моддасига асосан давлат буюртмачиси томонидан у расмийлаштирилган кунда давлат харидларининг электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Шунга асосан икки иш кун ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмади. Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан қолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилиши мумкинлиги белгилаб олинди. Муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътирозлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

Давлат буюртмачи
ташкilotи раҳбари



Ж.Нурмухамедов

Давлат буюртмачи
ташкilotи бош ҳисобчиси

Н.Ахмедов

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

№ DL42887486

1. Loyihaning turi. Shartnoma

2. Loyihaning nomi.


Loyiha smeta hujjatlarini tayyorlash to'g'risida.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot.

Shartnoma loyihasi Norin tuman Xalq ta'limi bo'limi tomonidan ishlab chiqilgan va markazga huquqiy ekspertizadan o'tkazish uchun 13.05.2022-yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Markaz bosh yuriskonsulti



Z.Tursunov

2022-yil 16-may